

“МАЪҚУЛЛАНГАН”
Давлат тест маркази Илмий-методик
кенгашининг 2014 йил 18 декабрдаги
йиғилиши қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”
Давлат тест марказининг
2014 йил 22 декабрдаги
01-432-сонли буйруғи билан

**Давлат тест маркази фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш
тартиби ҳақида Низом**

- I. Умумий қоидалар
- II. ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборот
- III. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот манбалари
- IV. Ахборот хизмати
- V. ДТМ фаолиятининг очиклигини таъминлаш усуллари
- VI. ДТМнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш)
- VII. Расмий веб-сайти
- VIII. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш
- IX. ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш
- X. ДТМнинг очик мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиш тартиби
- XI. Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ДТМ фаолияти тўғрисида ахборотдан фойланишини таъминлаш
- XII. ДТМ фаолияти тўғрисида фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборот
- XIII. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби
- XIV. ДТМ фаолиятини очиклигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторингини ташкил этиш
- XV. Яқунловчи қоидалар

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – ДТМ деб юритилади) фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқлари кафолатланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, ДТМ фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усулларини ҳамда фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.

3. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров (бундан буён матнда “сўров” деб аталади) ахборотдан фойдаланувчининг ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақида йўллаган оғзаки, ёзма ёки электрон ҳужжат шаклидаги талабидир.

II. ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборот

4. ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборотга қуйидагилар киради:

1) ҳуқуқий мақоми, унинг ташкилий тузилмаси, функциялари ва вазифаларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

2) фаолиятида амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар;

3) ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

4) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

5) ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

6) давлат дастурлари ва бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

7) оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, конференциялар, семинарлар, брифинглар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

8) давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

9) фаолияти йўналишларига тааллуқли соҳанинг ҳолати, унинг ривожланиш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар;

10) ўтказиладиган тадбирлар (тест синовлари, кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси) тўғрисидаги маълумотлар;

11) эксперт комиссиялари тўғрисидаги маълумот;

12) таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун тест синовларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда қабул квоталари тўғрисидаги маълумотлар;

- 13) ўтказилган тест синовларининг натижалари тўғрисидаги маълумотлар;
 - 14) кадрлар ҳамда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жадваллари;
 - 15) таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар;
 - 16) таълим муассасалари рейтинги тўғрисидаги маълумотлар;
 - 17) педагог кадрлар ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар;
 - 18) хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва нострификациялаш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш, таълим ва фан соҳасидан чиқадиган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш масалаларига оид маълумотлар;
 - 19) ўрганувчиларнинг чет тилларини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолашга оид маълумотлар;
 - 20) очиқ мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан, мажлис кун тартиби лойиҳаси, ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар.
- ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

III. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот манбалари

5. ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:
- даврий нашри - “Ахборотнома” илмий-методик журнали;
 - расмий веб-сайти материаллари;
 - раҳбарнинг чиқишлари ва баёнотлари;
 - Ахборот хизмати хабарлари;
 - оммавий-ахборот воситаларининг материаллари;
 - биносининг барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларига жойлаштирилган маълумотлар.

IV. Ахборот хизмати

6. Ахборот хизмати ДТМ фаолияти тўғрисида ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш вазифаларини бажарувчи, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи жамоатчилик асосида ташкил этилган бўлинма ҳисобланади.
7. Ахборот хизмати оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва ҳоказоларни) тарқатиш, шунингдек ДТМнинг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан ДТМнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини амалга оширади.
8. Ахборот хизмати фаолияти “Давлат тест марказининг Ахборот хизмати тўғрисида Низом” асосида ташкил этилади.

V. ДТМ фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари

9. ДТМ фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари қуйидагилардан иборат:

фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш);

фаолияти тўғрисида ахборотни расмий веб-сайтга жойлаштириш ва янгилаб бориш;

фаолияти тўғрисида ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш;

фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш;

очиқ мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш;

оммавий ахборот воситалари вакиллариининг ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга ДТМ фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш.

10. ДТМ фаолиятининг очиқлигини таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

VI. ДТМнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш)

11. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборотни эълон қилиш (чоп этиш) “Ахборотнома” илмий-методик журнали, ДТМнинг расмий веб-сайти (dtm.uz), шунингдек оммавий-ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

12. ДТМ фаолияти тўғрисидаги эълон қилиниши (чоп этилиши) лозим бўлган ахборот материаллари қуйидагилардан иборат:

1) ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

2) қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

3) қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

4) ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

5) давлат дастурлари ёки бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

6) ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, конференциялар, семинарлар, брифинглар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

7) давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

8) фаолияти йўналишларига тааллуқли соҳанинг ҳолати, унинг ривожланиш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар;

9) таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун тест синовларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда қабул квоталари тўғрисидаги маълумотлар

10) раҳбар ва педагог кадрлар ҳамда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жадваллари;

11) ўтказилган тест синовларининг натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

12) таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда унинг натижалари, шунингдек таълим муассасалари рейтинги тўғрисидаги маълумотлар;

13) педагог кадрлар ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

14) хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва нострификациялаш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш, таълим ва фан соҳасидан чиқадиган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш масалаларига оид маълумотлар;

15) чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолашга оид маълумотлар;

16) аттестация натижаларига кўра аккредитацияланган таълим муассасалари рўйхати;

17) фаолияти йўналишларидаги илмий, услубий ва таҳлилий мақолалар;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ДТМ фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам эълон қилиниши (чоп этилиши) мумкин.

VII. Расмий веб-сайти

13. ДТМнинг dtm.uz веб-сайти Интернет тармоғидаги тегишли расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади.

14. ДТМнинг расмий веб-сайтида ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ахборотдан ташқари яна қуйидагилар жойлаштирилади:

1) раҳбарлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, биографик маълумотлар ва улар билан боғланиш маълумотлари, фуқароларни қабул қилиш кунлари);

2) таркибий бўлинмаларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумотлар бериш хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортининг қатнов йўллари, тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;

3) қабул қилинадиган аризалар, бланкалар ва жадваллар шакллари;

4) жисмоний шахсларни ва юридик шахс вакилларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

5) жисмоний ва юрик шахсларнинг мурожаатларни бериш тартиби тўғрисидаги ахборот;

6) жисмоний ва юрик шахсларнинг мурожаатлари – аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

7) фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ва ахборот тусидаги шарҳлар, статистик маълумотлар;

8) раҳбарларининг расмий нутқлари ва баёнотлари матнлари;

9) оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

10) фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги ахборот;

11) келиб тушган аризаларни, таклифларни, шикоятларни, шунингдек ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот;

12) интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотлар;

13) бошқа тегишли сайтларга ҳаволалар.

Расмий веб-сайтида қонун ҳужжатларига мувофиқ ДТМ фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам жойлаштирилиши мумкин.

15. ДТМнинг расмий сайтига қўйиладиган талаблар ва унга ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг расмий web сайтига қўйиладиган талаблар ҳамда расмий сайтга ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби” га мувофиқ амалга оширилади.

VIII. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш

16. ДТМ биносида ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарда ва алоҳида ажратилган жойларда ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборот билан ахборотдан фойдаланувчилар танишиши учун ахборот стендларини жойлаштирилади.

17. Ахборот стендларида қуйидаги ахборотлар жойлаштирилади:

1) ҳуқуқий мақомини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;

2) иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, девонхона ва маълумот хизмати телефонларининг рақамлари;

3) режалаштирилаётган Илмий-методик кенгаш йиғилиши ва очик мажлислари тўғрисидаги ахборот;

4) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

5) фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги ахборот;

6) кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларининг рўйхати.

Ахборот стендларида қонун ҳужжатларига мувофиқ ДТМ фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам жойлаштирилиши мумкин.

IX. ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш

18. ДТМ фаолияти тўғрисидаги ахборот ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

X. ДТМнинг очик мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиш тартиби

19. ДТМнинг очик мажлислари жамоатчилик учун очик ҳисобланади, ёпик йиғилишлар бундан мустасно.

20. ДТМ очик мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратади.

21. ДТМнинг веб-сайтида очик мажлисларларнинг кун тартиби, уларни ўтказиш санаси, вақти ва жойини кўрсатган ҳолда очик мажлисларни ўтказиш режаси эълон қилинади.

22. Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар вакиллариининг очик мажлисларда иштирокини таъминлаш мақсадида тегишли мажлисда иштирок этишни хоҳловчилар рўйхатга олиш журналига ёзилади. Ташриф буюрувчи тўғрисидаги ахборотни қайд қилиш ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги мажлисда қатнашиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ёзув мажлисда иштирок этишни хоҳловчи фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахснинг вакили учун – юридик шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, номи, шунингдек эгаллаб турган лавозимини ўз ичига олади. Бошқа маълумотлар ёки ҳужжатларни тақдим этиш шарт эмас.

23. Ташкилий-техник имкониятлардан келиб чиқиб йиғилиш ўтказиш залида ташриф буюрувчилар учун жойлар жиҳозланади. Ташриф буюрувчилар учун жойлар сони ёзилганлар сонидан келиб чиқиб ҳисобланади.

24. Ахборотдан фойдаланувчилар очик мажлиснинг ўтказилишига ҳалақит бермаслиги керак.

Мажлисда қатнашишнинг белгиланган тартиби бузилганда тартиб бузувчи мажлислар залидан чиқариб юборилади.

XI. Оммавий ахборот воситалари вакиллариининг ДТМ фаолияти тўғрисида ахборотдан фойланишини таъминлаш

25. ДТМ ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллариини аккредитация қилади.

26. Оммавий ахборот воситалари вакиллариини ДТМ ҳузурида аккредитация қилиш “Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллариини Давлат тест маркази ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги Низом” га мувофиқ амалга оширилади.

27. Оммавий ахборот воситалариининг аккредитация қилинган вакиллари куйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлиб ўтадиган йиғилишлар ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш;

биноларга (хоналарга) ва тадбир ўтказилаётган объектларга тегишли гувоҳнома (рухсатнома) асосида белгиланган тартибда кириш;

очиқ мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ҳамда олиш, оммавий тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ҳамда улардан кўчирма нусхалар олиш;

олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситалари материалларини тайёрлашда фойдаланиш.

28. Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакиллари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

ХII. ДТМ фаолияти тўғрисида фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборот

48. ДТМ фаолиятидаги чеклаб қўйилган ахборотга қуйидаги маълумотлар киради:

1) ўтказиладиган тест синовларининг тест топшириқлари ва уларнинг жавоблари;

2) тест топшириқларини тузувчи экспертлар тўғрисидаги маълумотлар;

3) ташкил этилган эксперт комиссиялари аъзолари тўғрисидаги маълумотлар;

4) хизматда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар ва маълумотлар;

5) қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиши чеклаб қўйилган бошқа ахборотлар.

ХIII. ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

29. Ахборотдан фойдаланувчи ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ахборотларни олиш юзасидан бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мурожаат этиши мумкин.

30. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Қонунга мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчиларга ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровлар билан давлат тилида мурожаат этиш, шунингдек уларга давлат тилида жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади. Ахборотдан фойдаланувчилар бошқа тилларда ҳам мурожаат этиши ва жавоблар олиши мумкин.

31. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари девонхонада қабул қилинади ҳамда шу куннинг ўзида белгиланган тартибда рўйхатга олиниб, масаланинг тегишлилигига қараб раҳбарият резолюцияси асосида таркибий бўлинмага ижрога берилади. Келиб тушган сўровларни электрон рўйхатга олиш журналидаги маълумотлар ҳар ойда расмий веб-сайтдаги тегишли шаклларни тўлдиришда фойдаланилади.

Агар ахборот олишга доир сўровни кўриб чиқиш бир неча ижрочига топширилса, унда резолюцияда биринчи кўрсатилган ижрочи асосий ижрочи ҳисобланади.

32. Айни бир шахсдан ва айни ўша масала бўйича тушган сўров, агар биринчи сўров берилган вақтдан эътиборан сўровга жавоб бериш муддати ўтган бўлса ёки ахборотдан фойдаланувчи ўзига берилган жавобдан қаноатланмаган бўлса, такрорий деб ҳисобланиши керак. Такрорий сўровга у тушган пайтда навбатдаги рўйхатга олиш индекси берилади, рўйхатга олиш-назорат ёзувининг тегишли устунида “такрорий” деган белги қўйилади.

33. Жисмоний шахснинг сўровида унинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Юридик шахснинг сўровида юридик шахснинг тўлик номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма сўровлар ахборотдан фойдаланувчининг шахсий имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

34. Ахборотдан фойдаланувчининг мазкур Низомнинг 33-бандида кўрсатилган, шахсини билиш имкониятини берувчи маълумотларни ўз ичига олмаган сўров аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Белгиланган тартибда юборилган сўров кўриб чиқилиши шарт.

35. Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши керак.

36. Оммавий ахборот воситасининг ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кунлик муддатда кўриб чиқилади.

37. Агар ахборотдан фойдаланувчининг сўровини кўриб чиқиш ДТМ ваколатларига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, ахборотдан фойдаланувчи эса бу ҳақда хабардор қилинади.

38. Расмий нашрларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган (чоп этилган) ёхуд расмий веб-сайтларда жойлаштирилган ахборот сўралганда ДТМ сўровга бериладиган жавобда сўралаётган ахборот эълон қилинган (чоп этилган) расмий нашрнинг, оммавий ахборот воситасининг номи, чиқарилиш санаси ҳамда рақамини ва (ёки) сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилини кўрсатган ҳолда ҳавола бериши мумкин.

39. Агар ДТМ олинган сўров бўйича давлат органларининг ваколатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмаса, ахборотдан фойдаланувчига сўров рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида тегишли жавоб юборилади.

40. Ахборотдан фойдаланувчининг ДТМ фаолияти тўғрисида фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборотга тегишли сўрови рад этилади.

Сўров рад этилган тақдирда ахборотдан фойдаланувчига асослантилган жавоб юборилади.

41. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг ДТМ фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш юзасидан тушган барча сўровлари девонхона томонидан назоратга олинади.

42. Ахборот тақдим этиш ҳақидаги сўровларни кўриб чиқиш сўровни амалга ошираётган ахборотдан фойдаланувчига барча сўралаётган ахборот тақдим этилганидан ва улар кўриб чиқиш учун топшириқ берган раҳбар томонидан назоратдан чиқарилганидан кейингина тугалланган деб ҳисобланади.

43. Ахборот тақдим этиш ҳақидаги сўровга оғзаки жавоб берилган ҳолларда рўйхатга олиш карточкасига тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

44. Кўриб чиқиш материаллари асосида масъул ижрочи ёки назоратни амалга оширувчи шахс кўриб чиқиш натижалари бўйича сўровни кўриб чиқиш ҳақида топшириқ берган раҳбарига назоратдан чиқариш учун маълумот беради.

45. Ахборотдан фойдаланувчиларни шахсан қабул қилиш белгиланган жадвалга мувофиқ раҳбар, унинг ўринбосарлари, шунингдек бу ишга ваколат берилган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.

XIV. ДТМ фаолиятини очиклигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторингини ташкил этиш

46. ДТМ фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторинг қилинишини ҳамда доимий равишда комплекс баҳоланишини ташкил этиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

47. Ахборот хизмати ДТМ фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирларга нисбатан ахборотдан фойдаланувчилар фикри ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари муносабатларини таҳлил қилиб боради.

XV. Яқунловчи қоидалар

49. ДТМ фаолиятининг очиклиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

50. Мазкур Низом талабларини бузган масъул ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.